

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ТОЖИЕВ Бехзод Бекмурод ўғли
Тошкент молия институти
мустақил изланувчи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7585637>

АКТИВЛАРНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ 36-СОНЛИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши йўлида инвестиция жозибадорлигини ошириш мақсадида инвесторларга ишончли, таҳлилий маълумотларга асосланган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш халқаро стандартлар талабларига мувофиқ амалга оширилишини талаб этмоқда. Мазкур мақолада биргина халқаро стандарт талабларининг миллий бухгалтерия ҳисоб тизими билан асосий фарқлари, муаммоли вазиятлари ва уларга ёндашув ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ички омил, ташқи омил, активларнинг қадрсизланиши, қопланадиган қиймат, активнинг сотиш учун харажатлар чегирилган ҳаққоний қиймати, фойдаланиш қимматлилиги қиймати.

АННОТАЦИЯ

В целях повышения инвестиционной привлекательности для устойчивого развития экономики страны предоставление инвесторам достоверной, аналитической финансовой отчетности требует соответствия международным стандартам. В данной статье рассматриваются основные отличия, проблемы и подходы к требованиям единого международного стандарта с национальной системой бухгалтерского учета.

Ключевые слова: Внутренний фактор, внешний фактор, обесценение активов, возмещаемая стоимость, справедливая стоимость актива за вычетом затрат на продажу, ценность использования.

ANNOTATION

In order to increase investment attractiveness for the sustainable development of the country's economy, providing investors with reliable, analytical financial statements requires compliance with international standards. This article discusses the main differences, problems and approaches to the requirements of a single international standard with a national accounting system.

Keywords: Internal factor, external factor, impairment of assets, recoverable amount, fair value less cost to sell, value in use.

Иқтисодиётни янада модернизациялаш бир қатор йирик соҳаларга инвестициялар киритиш заруриятини туғдирмоқда бу эса ўз навбатида сармоядорларга ишончли молиявий ҳисоботларни тақдим этиш долзарблигини келтириб чиқармоқда. Мамлакатимизда ҳар бир соҳага Халқаро стандартлар шиддат билан кириб келмоқда. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ Халқаро ҳисоб ва ҳисобот тизими га ҳам тегишли меъёрий-ҳуқуқий асослар билан аста-секин ўтилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармонида мувофиқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорига мувофиқ, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар – 2021 йил 1 январдан бошлаб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланиши белгиланган.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда активларнинг қадрсизланиши ҳисоби бўйича бир қатор мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар фикр, мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва молиявий ҳисоботларни умумқабул қилинган шаклда тақдим этиш жараёнида проф. З.Н.Курбанов ва А.К.Акрамовларнинг фикрича “Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради.

Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади”.

Бундан ташқари, иқтисод фанлари номзоди С.Н.Ташназаровнинг Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти – “Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида турли мамлакатларда сифатли, таққосланадиган ва ишончли ҳамда уйғун ахборотларни шакллантиришда ягона ёндашувни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади” деган мулоҳазалари орқали бугунги кун долзарб мавзусига айланаётган халқаро стандартларни қабул қилиш аҳамиятини очиб беради [1, Б.3].

А.Каримов, И.Қўзиев ва М.Раҳимовларнинг таъкидлашича “Халқаро стандартлар расмий эълон қилинадиган ҳисоботларда бизнес, бошқарувга фаолият натижадорлигини объектив ҳамда реал акс эттиришга, бизнеснинг давомийлиги, ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим тенденцияларини аниқ кўра билишга имкон беради. Бу эса жалб қилинадиган ташқи инвестициялар ҳажмини оширишга, халқаро алоқалар мустаҳкамланишига, салоҳиятли харидорлар гуруҳи шаклланишига, умуман, халқаро доирада нуфуз ошишига замин яратади”.

Бугунги кунга келиб, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг талаблари бўйича дунёда 50 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик корхоналар молиявий ҳисоботларни тузмоқдалар. 2022 йил 1 январ ҳолатига “1 та халқаро концептуал асос, 24 та Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (IAS) ва 17 та Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) ва 20 та стандартларга интерпретациялар (SIC)” амалиётга жорий этилган [2].

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг зарурияти сифатида хорижий инвесторларни жалб қилиш маҳаллий корхоналарни жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар дейишимиз мумкин. Бу борада, ҳукуматнинг бир қатор қонун ости ҳужжатларини ҳаётга тадбиқ этилишида кўришимиз мумкин. Бунда биринчи навбатда ҳисобчи ходимларни Халқаро сертификатлаш муаммоси ҳукумат даражасидаги масалага айланди.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 38-сонли қарори қабул қилинди. Бу эса юртимизда ҳисобчи ходимларнинг халқаро даражада малакасини ошириш, уларни профессионал мулоҳаза юритишга, ҳисоботларни тузишда жаҳон тажрибаларидан хабардор бўлишига рағбатлантирувчи асос бўлди.

2022 йилнинг 1 апрель ҳолатига республикада “фаолият кўрсатаётган 711 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари, рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 14 109 тани ташкил этиб, улардан 13 656 таси фаолият юритмоқда.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 417 тага ошган” [3].

Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ тузиш юқорида санаб ўтилган стандартларнинг талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Биз шулардан энг асосий стандартлардан бири 36-сонли “Активларнинг кадрсизланиши” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти талабларининг миллий ҳисоб ва солиқ ҳисобига таъсирини кўриб чиқсак.

36-сонли “Активларнинг кадрсизланиши” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартининг мақсади – тадбиркорлик субъекти томонидан қўлланиладиган шундай тартибларни белгилашдан иборатки, бунда унинг активларни уларнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлмаган суммада ҳисобга олинганига таъминланади. Активнинг баланс қиймати активдан фойдаланиш ёки уни сотиш орқали қопланадиган қийматидан ошса, ушбу актив ўзининг қопланадиган қийматидан ошган суммада ҳисобга олинган бўлади. Агарда ушбу ҳолат юз берса, актив кадрсизланган деб ҳисобланади ва тадбиркорлик субъектидан кадрсизланиш бўйича зарарни тан олишни талаб этади. Стандарт кадрсизланиш бўйича зарарни қачон қайта тикланиши кераклигини ҳамда тадбиркорлик субъекти томонидан очиб берилиши лозим бўлган маълумотларни белгилайди [4, Б.1-2].

Мазкур стандарт товар-моддий захиралар (IAS-2), қурилиш шартномаларидан юзага келадиган активлар (IAS-11), муддати узайтирилган солиқ активлари (IAS-12), ходимларга ҳақларни тўлашдан юзага келадиган активлар (IAS-19), молиявий инструментлар (IFRS-9) каби жами 6 та бухгалтерия ҳисобининг ва 3 та молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига нисбатан қўлланилмайди.

Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ молиявий ҳисобот тузувчи хўжалик юритувчи субъектлар активларнинг кадрсизланишини икки хил ички ва ташқи омиллар сабаб ўтказишлари мумкин. Ички омиллар:

- активнинг маънавий эскирганлиги ёки жисмоний шикастланганлигига оид далиллар мавжуд бўлса;
- активнинг ишлатилишидан иқтисодий натижалар кутилганидан салбийроқ бўлганлигини, ёки бўлишини, кўрсатадиган далил ички ҳисобот асосида аниқланган бўлса;
- тадбиркорлик субъектига нисбатан салбий таъсирга эга аҳамиятли ўзгаришлар активдан фойдаланилган ёки фойдаланилиши кутилган даражада, ёки ундан фойдаланиш ҳолатида, давр мобайнида содир бўлди, ёки яқин келажакда содир бўлиши кутилади ва шу каби бошқа омиллар.

Ташқи омиллар:

- тадбиркорлик субъектининг соф активларининг баланс қиймати унинг бозор капитализациясидан кўпроқ бўлса;
- активдан фойдаланиш муддатининг вақт ўтиши билан тезроқ эскираётганлиги;
- бозор фоиз ставкаларининг ошиши;
- фаолиятга салбий таъсир кўрсатадиган технологик, бозор, иқтисодий шароитларнинг жиддий ўзгаришлари ва шу каби омиллар [5, Б.4].

Хўжалик субъекти молиявий ҳисобот тузадиган санага жами активларининг (*устисно активлардан ташқари*) баланс қолдиқ қийматини, қопланадиган қиймат (*recoverable amount*)нинг аниқланадиган икки миқдоридан булар: активнинг сотиш учун харажатлар чегирилган ҳаққоний қиймат (*fair value less cost to sell*) ёки активдан фойдаланиш қимматлиги қиймати (*value in use*)дан энг каттаси билан солиштириш орқали активларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарар миқдори аниқланади.

Агар бу икки хил баҳолаш қийматлари активнинг баланс қолдиқ қийматидан юқори бўлса активлар қадрсизланмаган деб қаралади, юқоридаги ҳолатни мисолда кўрсак.

1-жадвал. Активларнинг қадрсизланишидан зарарни аниқлаш бўйича мисол:

№	Қопланадиган сумманинг энг катта миқдорини танлаш		Активларнинг қадрсизланиши бўйича зарарни аниқлаш мақсадида энг кичик миқдорини аниқлаш		Активларнинг қадрсизланиши бўйича зарар
	қопланадиган қиймат (<i>recoverable amount</i>)	сотиш учун харажатлар чегирилган ҳаққоний қиймат (<i>fair value less cost to sell</i>)	Қопланадиган сумма	Баланс қолдиқ қиймати	
1	2 300	2 520	2 520	2 750	-230
2	2 280	1 975	2 280	2 750	-470
3	2 060	2 850	2 850	2 750	зарар йўқ

Активларнинг қадрсизланишидан зарарни ҳисобчи қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобда акс эттиради:

Д-т “Активларнинг қадрсизланишидан зарар”

К-т “Асосий воситалар” ёки “Номоддий активлар”

Миллий ҳисоб юритиш тизимида мазкур талабнинг мавжуд эмаслиги асосан активларни ҳаққоний баҳолаш имкониятини чеклайди бундан ташқари молиявий ҳисоботдан ташқи фойдаланувчилар учун таҳлилий ҳисоб-китобларни аниқ ҳисоблашга имкон бермайди.

Солиқ ҳисоби тизимида эса қадрсизланишдан кўрилган зарарларни фойда солиғи тўловчилар учун қайси гуруҳ харажатларига тўғри келиши (чегириладиган ёки чегирилмайдиган) бўйича хали бир тўхтама келинмаган.

Бундан ташқари, солиқ ҳисобини юритишда юридик шахслар мол-мулк ва дивиденд солиқларини ҳисоблаб чиқаришда мазкур халқаро стандарт талаблари бўйича бирор-бир ўзгаришлар акс эттирилмаган.

Бу эса ўз навбатида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш чоғида мамлакатимизда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳам бир қатор ислохотларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Мавзунинг долзарблигидан хулоса қилишимиз мумкинки, халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш бир қанча меъёр талабларига риоя этилишини талаб этмоқда. Шу билан бирга молиявий ҳисоботлар орқали инвесторлар томонидан сармоя киритишдан олдин субъект фаолияти билан ишончли таҳлилий маълумотларни олиш имкониятининг яратилиши билан аҳамиятли таъсир кучига эга.

Ўрганишлар натижасида қуйидаги тавсияларни илгари сурмоқчимиз:

– активларнинг қадрсизланиши бўйича йирик корхоналарда ҳар йилги молиявий таҳлил ўтказувчи ҳисобчи ходимлар сонини кўпайтириш орқали маблағларни мамлакат ташқарисидан четга чиқиши олдини олиш, сабаби республикаимизда миллий баҳоловчи ташкилотлар мазкур рофессинал хизматни кўрсата олмайдилар;

– молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ҳисоб юритишга ўтган корхоналарга айнан активларни қадрсизланишга текшириш бўйича амалга оширадиган харажатларини фойда солиғи тўловида чегириладиган харажатлар сафига қўшиш ва унинг меъёрини белгилаш, сабаби ҳозирда амалиётда мазкур харажат миқдори жуда катта лекин чегиришга имконият мавжуд эмас, бу эса корхоналарда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузилишига молиявий қийинчилик туғдирмоқда.

ИҚТИБОСЛАР

1. С.Н.Ташназаров “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиш зарурияти” илмий мақола Иқтисод ва Молия 2016 йил 7-сон, с 3.
2. <https://www.ifrs.org.ua> веб сайти маълумотларидан фойдаланилган.
3. www.davaktiv.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги веб сайти маълумотларидан фойдаланилган.
4. International accounting standard 36 – Impairment of assets. P 1-33.
5. «Международный стандарт финансовой отчетности» 36 – Обесценение активов. С 4-33.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**